O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 7 июнь, № 108 (3907) Чоршанба

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитасининг аъзоси Ли Чанчунни қабул қилди.



— Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, маданият, таълим каби соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолатини, алоқаларнинг ҳозирги суръатини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Мамлакатларимизнинг анъанавий дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари қарийб 150 давлатлараро ва бошқа мақомдаги ҳужжатларга асосланади. Айниқса, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзолангани икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлди.

2005 йилда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 485 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 202 фоизга ўсди.

Яна бир эътиборга молик томони шундаки, мамлакатларимиз ўртасида изчил ривожланиб бораётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон — Хитой алоқалари, балки минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўп томонлама муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунга Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги алоқалар яхши мисолдир. Жаҳон сиёсат майдонида бу ташкилотнинг нуфузи тобора ортмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Парламентлараро ва сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид фикрлар илгари сурилди. Ижтимоий-маданий алоқалар ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик борасида сўз юритилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАО:

«ШҲТни ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРОҒИНИ КЎТАРИБ БОРУВЧИ ТАШКИЛОТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК»

15 июнь куни Шанхайда ўтказилиши режалаштирилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси арафасида Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао Пекинда ШҲТ иштирокчи мамлакатларининг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари билан суҳбатда бўлди.

— Жорий йилда биз ШҲТнинг беш йиллиги ва ундан илгари тузилган «Шанхай бешлиги» механизми таъсис этилишининг ўн йиллигини нишонлаймиз, — деди ХХР раиси. — Шу боис Шанхайдаги бўлажак саммит алоҳида аҳамият касб этади. Учрашув давомида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТни ривожлантириш режалари юзасидан келишиб оладилар, сиёсат, иқтисодиёт, гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни илгари суриш бўйича ўз қарашлари билан ўртоқлашадилар. Биз муҳим ҳужжатларга имзо чекиб, уларни эълон қиламиз. Саммитга кузатувчи давлатлар, ШҲТ билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилган. Айни пайтда бўлажак учрашувга тайёргарликлар шитоб билан кетмоқда. Ишончимиз комилки, ташкилотимизга аъзо барча давлатларнинг муштарак саъй-ҳаракатлари билан Шанхай саммити муваффақиятли ўтади.

ШҲТнинг беш йил ичида босиб ўтган йўлига баҳо берар экан, Ху Цзиньтао ўтган аср охирида ва янги юз йиллик бошида халқаро вазиятда чуқур ўзгаришлар бўлиб ўтганини қайд этди. Евросиё қитъасидаги геосиёсий вазият ҳам жиддий ўзгаришларга дуч келди. Минтақа мамлакатлари олдида имкониятлар билан бирга хавф-хатарлар ҳам турибди. Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, олти чегарадош давлат – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни муштарак саъй-ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш, минтақада барқарорликни таъминлаш, ва ҳамжиҳатликда ривожланишга кўмак беришга жазм этдилар. Улар ШҲТни ташкил этаётганларида айнан шу фикрларга асосланганлар.

Беш йил давомида ШҲТ муштарак саъй-ҳаракатлар туфайли ўз тараққиётида анча олдинга силжиди. Даставвал, ҳамкорлигимизга оид ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий асоси яратилди ва такомиллаштирилди, ҳамжиҳатликнинг ўта созланган механизми яратилди. Иккинчидан, хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда, бу эса бутун минтақада барқарорликни таъминлаш учун ўта муҳимдир. Учинчидан, ўзаро манфаат ва фойда асосида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, баъзи йирик лойиҳалар юзасидан келишиб олинган ва улар ишга туширилган, бу эса ташкилотга аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантирган ва рағбатлантирмоқда. Тўртинчидан, гуманитар соҳада алмашувлар доимий равишда кенгаймоқда. Ва ниҳоят, ташкилотнинг халқаро майдондаги фаолияти жадаллашди, ташқи алоқалар кенгаймоқда, унинг нуфузи доимий равишда ўсиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитаси аъзоси Ли Чанчунь раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида стратегик ҳамкор давлатлар ҳисобланган Ўзбекистон билан Хитой ўртасида барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ли Чанчунь Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтгани мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Томонлар парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Ёқубов «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қонунчилик палатаси барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг концепцияси маъқулланди ва у биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш. Абдуллаева тақдим этди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Депутатлар ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида тушган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Фракциянинг сайёр йиғилиши

Андижонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар корпуси ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Либерал-демократик партияси ҳудудий тузилмаларининг мафкуравий йўналишдаги фаолиятини кучайтириш ва аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарасини ошириш масаласини муҳокама қилдилар. Шунингдек, улар мамлакатимиз Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқдилар.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузасида асосий устувор вазифа — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат эканлиги белгилаб берилган эди. Шунингдек, бу борадаги муҳим йўналиш — фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш лозимлигига алоҳида урғу берилган эди. Шу боис, фракция аъзолари мазкур Қарор тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан уларга янада қулай шароитлар яратишини қайд этдилар.

Йиғилишда қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган бир қатор қонунлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

З. АШУРОВА.

Тадбиркорлар яратилган шароитдан мамнунми?

Термиз шаҳрида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Сурхондарё вилояти ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси раиси А.Эшмуратов олиб борди.

Йиғилиш қатнашчилари Президентимизнинг

(Давоми 2-бетда).

Эришилган натижа чегара эмас

Шу кунларда Финляндия Республикаси ишбилармонлари делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди

Делегация таркибида нефть-кимё, нефть-газ, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз, тоғ-кон, ёғоч ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар вакиллари бор. Унга мазкур давлатнинг юртимиздаги Фавқулотда ва мухтор элчиси Марья Лийса Кильюнен хоним бошчилик қилмоқда.

Ишбилармонлар учрашуви Финляндиянинг "Entre Marketing Oy&Ltd" халқаро маркетинг хизмати марказида ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз билан Финляндия Республикасининг ўзаро алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмасида кузатилаётган ўсиш суръатлари фикримиз тасдиғидир. Мисол учун, 2004 йилда республикамизнинг мазкур давлат билан ўзаро савдо айланмаси 18,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 26,4 миллион АҚШ долларига етди. Маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти тузилмасининг кенгайиши ҳам давом этмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Бироқ ушбу рақамлар икки томонни ҳам ҳали тўлиқ қониқтирадиган даражада эмас. Чунки мавжуд имкониятлар қўлга киритилаётган муваффақиятлар чегара эмаслигидан далолат бериб турибди. Хориждлик тадбиркорларнинг бу галги ташрифидан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа кўплаб соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида бўлиб ўтган ўзбек-фин бизнес форумида масаланинг шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққан Финляндия давлати ишбилармонлари вакиллари Ўзбекистонда инвесторларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратиб берилганини таъкидлашди. Ва учрашувлар давомида, албатта, кўплаб ҳамкорлар орттиришларига ишонч билдиришди. Ташкил этилган кооперацион биржада эса, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри шериклик муносабатларини ўрнатишга имконият яратиб берилди.

Ташриф давомида, шунингдек, финляндиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Sibur" қўшма корхонаси, "AZN" ҳиссадорлик жамияти, "Тошэлектроаппарат" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, "ЎзЛИТИнефтгаз" ва бошқа бир қатор ташкилот раҳбарлари билан учрашувлари ҳам бўлиб ўтади.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Президент қарорини ўқиб...

МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Ҳар бир инсоннинг онгли ҳаёти «Алифбо»дан бошланади. Кейин биз ҳаётда ва билим-малака соҳасида нимагаки эришган бўлсак, уларнинг сарчашмасида ўша «Алифбо» ва ундан ҳижжалаб ўрганганимиз ҳарфлар туришини ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай қилиб, мактаб дарсликлари — таълимнинг негизи ва таянчидир.

Шу боисдан, мамлакатимизда янги таълим стратегиясини белгилаб берган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида дарсликлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»да ҳам Президентимиз томонидан асосланган мактаб таълимининг беш устувор йўналиши орасида замон талабига мос дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш ва улар билан ўқувчиларни тўлиқ таъминлаш масаласи ҳал қилувчи йўналишлардан бири сифатида кўзга ташланади.

Ватанимизда 10 мингга яқин умумтаълим мактаблари ишлаб турибди. Уларда ўзбек, рус, тожик, қозоқ, туркман ва бошқа бир неча тилларда юз минглаб болалар ўқимоқда. Бу ўқувчиларнинг барчасини ўз она тилларидаги дарсликлар билан таъминлаш ҳам керак бўлади. Кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан бепул таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жуда катта маблағ, ижодий-ташкилотчилик ишларини талаб қилади. Таъкидлашимиз керакки, мамлакатимизда мазкур масала муваффақиятли ҳал этиб келинмоқда. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг энг самарали, энг мақбул йўллари, имкониятлари ҳам тўхтовсиз изланмоқда. Масалан, Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизимини синов тариқасида ҳаётга жорий этди. Олдиндан айтадиган бўлсак, бу тажриба Президентимизнинг шу йил 2 июнда матбуотда эълон қилинган мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашни такомиллаштиришга доир янги Қарорида маъқуллаб тилга олинди. Бу қандай усул? Тасаввур қилинг: дарслик китоб минг сўмга нархланаяпти. Аммо шу нарх баъзи ота-оналарни ўйлантиради. Шу боисдан, мактаб кутубхоналарида мавжуд дарсликлар ижара асосида — белгиланган нархнинг тўртдан бир қисмига, яъни 250 сўмга баҳоланиб, ўқувчиларга шартнома асосида ижарага берилади. Дарслик тўрт йилда тўрт нафар ўқувчига, арзон нархда хизмат қилади. Бу ота-оналар учун енгиллик туғдиради, албатта.

Шу билан бирга, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам топилади. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори айнан шундай муаммоларни ҳал этишда, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси олдидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилди ва Сенат тасдиғига тақдим этди. Амалдаги қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий ижобий сифат ўзгаришлар содир бўлди. Энг аввало, бозор муносабатлари тизими шаклланди, интеллектуал мулкнинг бир қисми бўлган муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари (фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари, маълумотлар базалари, аудиовизуал асарлар, турли ижролар) бозорда товар сифатида ўзига хос жисмсиз мол-мулк сифатида намоён бўла бошлади. Муаллифлар ва ижрочиларнинг ўз мулкий ҳуқуқларидан самарали фойдаланишга интилиши вужудга келди.

ИЖОДКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Жадал суръатлар билан ривожланаётган илм-фан ва техника, ижтимоий-маданий тараққиёт муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг янгидан-янги объектларини вужудга келтирмоқда. Уларга нисбатан ижодкор ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаб қўйишни тақозо этмоқда. Амалдаги қонунда муайян умумийлик, ноаниқликлар борлиги, бозор муносабатлари барча хусусиятларини ўзида акс эттирмаслиги сабабли, уни янги таҳрирда қабул қилиш зарурати вужудга келмоқда.

Янги таҳрирдаги қонунга, энг аввало, аниқ мазмунни ифодаловчи янги тушунчалар киритилди. Улар фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари, ижроларни яратиш, фойдаланиш, уларга нисбатан ҳуқуқлар мазмуни, ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича аниқ-равшан ва тушунарли тасаввурлар вужудга келтиришга хизмат қилади. Муҳими шундаки, ушбу тушунчалар орқали муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларининг интернет орқали муомала жараёни ҳам ушбу қонун таъсири доирасида бўлади.

Қонунда муаллифларга ва турдош ҳуқуқ субъектларига тегишли мутлоқ ҳуқуқлар мазмуни, унинг таркибига кирувчи мулкий ҳуқуқлар батафсил санаб чиқилди, ҳуқуқ эгаси ваколатлари белгилаб қўйилди. Бу эса ҳуқуқ соҳибларининг улардан тўлақонли ва самарали фойдаланишлари учун қулай имконият яратади.

Ижодкорлар ва бошқа ҳуқуқ соҳиблари ўз ҳуқуқларидан тижорат муомаласида фойдаланиш жараёнини ҳар доим ҳам етарли даражада назорат қила олмайдилар. Ушбу жараён муайян вақт, малака ва саъй-ҳаракатлар талаб этади. Шу сабабли ҳам дунёнинг жуда кўп давлатларида муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи ташкилотлар мавжуд. Янги таҳрирдаги қонунда бундай ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолати амалдаги қонунга нисбатан кенг ва батафсил равишда белгилаб қўйилди. Нотижорат ташкилот мақомига эга бўладиган бундай ташкилотлар нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам ўзбекистонлик ҳуқуқ субъектларига тегишли ҳақларни тўлаш, тақсимлаш, кези келганда, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғуллана оладилар. Қонунда бунинг учун етарли ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда бутун дунёда маданий қароқчиликка қарши кураш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Баъзи давлатларда, шу жумладан, Россияда, Хитойда маданий қароқчиликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Маданий қароқчилар муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар субъектларидан рухсат олмай ва ҳақ тўламай, адабий ва илмий асарларни, фильмлар, мусиқалар ва ашулаларни, компьютер дастурларини тижорат асосида кўпайтириб сотиш билан шуғулланмоқдалар. Афсуски, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бунга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Баъзи кишилар онгида ҳали ҳам интеллектуал мулкка нисбатан ҳеч кимники эмас, деган тушунчалар, берухсат фойдаланиладиган неъмат сифатидаги тасаввурлар қотиб қолган. Ҳолбуки, бировга тегишли буюмни яширинча ёки очиқдан-очиқ ўзиники қилиб олиш ўғрилик ёки талончилик ҳисобланиши ҳаммамизга маълум. Интеллектуал мулкка нисбатан маданий қароқчилик ҳолларига тоқатсиз муносабатда бўлиш лозим. Қонунда бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан тегишли чоралар белгилаб қўйилди. Маданий қароқчилик маҳсулотлари (контрафакт маҳсулотлар)ни мусодара қилиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида махсус нормалар киритилган. Амалдаги қонундан фарқли равишда янги таҳрирдаги қонунда ҳуқуқларнинг ҳар қандай бузилишларига нисбатан таъсирчан жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилмоқда.

Бундай қонунларни қабул қилишда ҳуқуқ эгалари ва кенг истеъмолчилар манфаатларининг мувозанатини белгилаш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Айниқса, чет элларда кўнгилочар индустриянинг миллий ва халқаро уюшмалари бундай қонунларда ўз манфаатларини бир томонлама мустаҳкамлаб қўйишга уринишади. Кучли лоббистлик ҳаракати кузатилаётган шароитларда бу, айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу қонунда мамлакатимиз миллий манфаатлари ва халқаро нормаларнинг уйғунлашуви ҳар томонлама мужассамлаштириб қўйилди.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш, биринчидан, ижодкор-зиёлиларнинг мулкдорлар синфига қўшилиши учун иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратади, иккинчидан, мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тартиботини мустаҳкамлайди, давлатимиз ҳуқуқий тизимини ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро стандартлар билан бир хиллаштиришни таъминлайди.

Омон ОҚЮЛОВ,
Тошкент Давлат юридик институти профессори, юридик фанлар доктори.

Тадбиркорлар яратилган шароитдан мамнунми?

(Давоми. Боши 1-бетда).

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишларга танқидий-таҳлилий баҳо бердилар.

Таъкидландики, вилоятда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тадбиркорларни текшириш 75 фоизга камайди. 1 июнь ҳолатига кўра, давлат рўйхатига киритилган 16203 нафар кичик бизнес вакили фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 44,5 фоизни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 7,8 фоиз кўпдир.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидаги улуши — саноатда 11,6, қишлоқ хўжалигида 99,4, пуллик хизматда 76, импортда эса 72,8 фоизни ташкил этмоқда. Бироқ бу кўрсаткичлар ҳали талаб даражасида эмас.

Йиғилишда сўзга чиққан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши раисининг ўринбосари, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев таъкидлаганидек, кенгашнинг ҳам, вилоят ҳудудий комиссиясининг ҳам фаолиятига фақат текширишлар сонининг қанчага қисқарганига қараб эмас, балки тадбиркорларнинг самарали меҳнат қилиши учун яратиб берилган шароитларга кўра баҳо берилади. Шу боис бу борада вилоятда амалга оширилган ишларни янада кучайтириш талаб этилади.

Барча назорат органлари зиммасига давлатимиз раҳбарининг фармонлари ва қарорлари мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириб бориш вазифаси юклатилган. Бироқ, афсуски, бу йўналишда вилоят, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари олиб бораётган ишлар ҳамон сустлигича қолмоқда. Мисол учун, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссиялар ушбу мавзуда оммавий ахборот воситалари орқали бирор марта ҳам чиқиш қилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Айрим ҳолатларда текширишларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари талаблари ўрганилмай, мавжуд маълумотлар эса чуқур таҳлил қилинмай, баъзи объектларда режадан ташқари текширишлар ўтказиш учун рухсат сўраш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Хусусан, Денов, Сариосиё, Жарқўрғон туманларида бундай ҳолатлар бошқа жойларга нисбатан кўпроқ кузга ташланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини поймол этаётган назорат органлари ва мансабдор шахслар ҳам ҳамон учраб тургани ачинарлидир. Айнан мана шу масала бўйича ўтган вақт мобайнида Давлат солиқ қўмитасига 32 та шикоят ва ариза келиб тушди. Уларнинг 12 таси Жарқўрғон туманига тўғри келади.

Йиғилишда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Бир қанча муаммолар эса шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Худди шундай тадбир Сирдарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Ж. НОСИРОВ.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида II Республика аёллар спартакиадасини ўтказувчи ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар, корхоналар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ҚАРШИ АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИГА ТАЙЁР

Йиғилишни ташкилий қўмита раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарди.

11-12 июнь кунлари Қарши шаҳрида ўтадиган II Республика аёллар спартакиадаси мамлакатимизда спортни ривожлантиришга доир узлуксиз тизимнинг узвий давомидир. Бу тадбир уйда фарзанд тарбияси билан банд аёлларни ҳам спортга жалб этиш имконини беради. Уларнинг спортга қизиқиши болалар учун ўрнак, ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Йиғилишда спартакиада иштирокчиларига юқори савияда маданий-маърифий ва маиший хизматлар кўрсатиш, спорт иншоотлари ҳамда ётоқхоналардаги тайёргарлик ишлари муҳокама этилди. Мусобақалар ўтказиладиган Қарши шаҳрининг "Насаф" ҳамда Марказий стадионларини, Қарши давлат университети қошидаги академик лицей, Қарши банк коллежи, Ахборот технологиялари коллежи ва Олимпия захиралари спорт коллежини байрамона безатиш, спортчиларнинг овқатланиши ва маданий дам олишини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳларнинг вазифалари белгилаб олинди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Ахад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Ангорлик деҳқонлар — пешқадам

Туман деҳқонлари 15 минг тоннадан зиёд бошоқли дон тайёрлаб, мамлакатимизда биринчи бўлиб шартнома режасини бажардилар.

Бу ютуқнинг асосий негизи қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани бўлди. 350 фермер хўжалиги кимўзарга меҳнат қилдилар.

Ютуқлар — кутилганидек. Гулмурод Аҳмедов, Абдусалом Тўлаганов сингари юзлаб фермерлар Ватан омборини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Туманда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерларга минерал ўғитлар солиниб, ҳайдаб қўйилаяпти.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорнинг мазмун-моҳияти кенг. У шу кунларда тегишли вазирликлар, ташкилотлар, муассасалар, мактаб жамоалари ва ота-оналар томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Биз қўйида унинг айрим жиҳатлари тўғрисидагина ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Жумладан, мазкур ҳужжатнинг илк бандида Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланади. Хўш, бу қандай янги механизм? Гап шундаки, шу пайтгача ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар бўйича мактаблар, туманлар, вилоятлар, тиллар, синфлар, фанлар кесимида дарсликларга буюртманомалар идоравий усулда шакллантирилар эди. Энди — Президентимизнинг ушбу Қарорига биноан — аввало, ҳудудларда ихтисослашган кўргазма-ярмаркалар ташкил этилади. Нашриётлар ўзлари чоп этган дарслик китобларни расталарда намойиш этадилар. Кўргазма-ярмаркаларга мактаб директорлари ва ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар кенг кўламда жалб этилиб, уларнинг фикри атрофлича ўрганилади. Шу асосда дарсликлар нашрига шартномалар тузилади. Кўргазма-ярмаркаларда китобларнинг мазмун-моҳияти, дизайни ва матбаа сифатига қараб баҳо берилади. Бу эса нашриётлар ўртасида ижобий рақобатни туғдиради ва шу йўсинда дарсликлар сифати учун курашга йўл очилади. Кўриниб турибдики, дарсликлар таъминотида жамоатчилик фикрига суяниш ғоятда замонавий тадбирдир.

Қолаверса, мактаб дарсликлари ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга оид йиллик прогноз квоталарини белгилашда умумтаълим мактаблари кутубхоналарида ўтказиладиган хатлов натижалари ҳам муҳимдир. Хатловда дарсликларнинг маънавий ва жисмоний яроқлилик жиҳатлари мезон қилиб олинади. Эскирган китоблар ва қўлланмалар макулатурага топширилиб, улардан тушадиган маблағ мактабларнинг ҳисоб-рақамига ўтказилади.

Мактаб дарсликлари нашри, уларни янгилаш, янги дарсликлар яратиш анча жиддий масала. Аввало, бу иш катта харажатларни талаб қилади. Қолаверса, анчагина ижодий-ташкилий ишлар олдинда туради. Бунинг устига, дарсликларни ҳадеб янгилайвериш ота-оналарни ҳам харажатга туширади. Демак, бу масала анча кўп қиррали муаммо бўлиб, жуда оқилона, етти ўлчаб, бир кесиб ҳал этилмоғи лозим. Шу боисдан, Қарорда ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссиясининг бу йўналишдаги масъулияти янада оширилган. Жумладан, экспертизани такомиллаштириш, дарсликлар ва қўлланмаларнинг мазмунини асоссиз ўзгартиришларга чек қўйиш, уларни баҳолашда мавжуд давлат таълим стандартларидан ҳамда умумий ўрта таълим ўқув режаларидан, дастурларидан келиб чиқиш ана шундай вазифалардир.

Қарорда бу борада ишни тартибга солиш мақсадида, яна бир кўрсатма баён қилинган. Унга кўра, умумтаълим мактаблари биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар — ҳар йили; 2-4 синфлар учун дарсликлар — икки йилда бир марта; 5-9 синфлар учун дарсликлар — тўрт йилда бир марта янгиланиши лозим. Бу тартиб-қоида нақадар чуқур мушоҳадалар асосида жорий этилганлигини тасаввур этиш мақсадида, битта далилга мурожаат қилайлик. Маълумки, биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар санитария-гигиена нуқтаи назаридан тез эскиради, уларни норасида, мурғак фарзандларимиз яхши асрай олмайдилар, китоб саҳифаларини кир қилиб юборишади, қўлларидан тез-тез ерга тушириб ифлослантириши ҳам мумкин. Шу тариқа, китобларга инфекциялар тушади. Оқибатда, улардан кейинги йилларда фойдаланиб бўлмай қолади. Бунинг устига, биринчи синфга эндигина келган болалар ҳар жиҳатдан янги китоблар, дафтарлар, ўқув қуролларига эга бўлишни хоҳлайди. Эскирган дарсликларни қўлларига тутқазсангиз, ўксиниб қолишади. Шу боисдан, Президентимиз биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили юз фоиз янги китоблар, дафтарлар ва ўқув қуроллари берилишини Қарорда қатъий белгиладилар...

Ўқувчиларни дарсликлар билан етарлича таъминлашда китоб савдосининг алоҳида ўрни бор. Аммо шу нарса сир эмаски, дарсликлар эркин савдосида уларнинг нархини ва жойларга етказиб бериш сарф-харажатларини сунъий равишда ошириб юбориш ҳоллари кузатилмоқда. Қарорда тўртта масъул ташкилот — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига, ўзаро яқин ҳамкорликда бу борада қаттиқ назоратни ташкил этиш вазифаси юклатилган. Улар дарслик китоблар савдоси бўйича шартномалар имзоланишида нархларни атрофлича кўриб чиқишлари ва уларни арзонлаштириш имкониятларини излашлари лозим.

Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш устида гап борар экан, Қарорда мавжуд «айрим тоифадаги ўқувчиларни давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш» бўйича белгиланган кўрсатма хусусида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ушбу Қарорга биноан, биринчи синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дарсликлар билан бепул таъмин этилади.

Қарорда мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашда кутубхоналар ва кутубхона ходимларининг бурчига алоҳида эътибор берилган. Кутубхона ходимлари дарсликларни хатловдан ўтказиш йўли билан ёки ижара усулини қўллаб, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшаётганликларини юқорида айтиб ўтдик. Шу билан бирга, Қарорда кутубхоначилар олдига яна битта муҳим вазифа қўйилган. Бу шундан иборатки, кутубхона ходимлари ўз тасарруфларидаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлашлари, шунингдек, ўқувчилар ўртасида дарсликларни асраб-авайлаш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлари олиб боришлари лозим. Бундай фидойи меҳнатнинг икки муҳим жиҳати бор: биринчидан, шу йўсинда ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланишига кутубхоначилар ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар, иккинчидан, Қарорда белгиланганидек, бундай фидойи меҳнат туфайли уларнинг ойлик маоши ҳам устамалар ҳисобига 20 фоизгача ошади.

Президентимизнинг мазкур Қарори моҳият-эътибори билан мактаб ислоҳотларининг сифатини оширишга, баркамол авлодни камол топтириш ишини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатадиган яна бир салмоқли давлат ҳужжатидир.

М.САФАРОВ.

ЎҒИТ ДАЛАГА ЭЛТИБ БЕРИЛАЯПТИ

Мамлакатимиз аграр соҳасида эришилаётган ютуқларда кимё саноати ходимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Тармоқ учун зарур минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сифатли ишлаб чиқарилаяпти ва улар ўз вақтида жойларга етказиб берилаяпти.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ғўзаларга минерал ўғитлар меъёрида солинганда, ҳосилдорлик 35-40 фоизгача ошиши мумкин. Бунга эришиш учун эса, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг яхлит тизимини яратиш, тегишли ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш талаб этилади.

Долзарб мавзу

Бу борада, айтиш мумкинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги "Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди.

Мазкур маҳсулотни тайёрлаш ва уни етказиб бериш бир тизим зиммасига юклатилгани туфайли ишда ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Илгаригидек, фермерларнинг минерал ўғит ва кимёвий воситалар олиш учун овора бўлишига чек қўйилди. Аксинча, зарур маҳсулотлар таъминотчилар томонидан даланинг бошига келтириб бериладиган бўлди. Шунингдек, ўғитлар сақланадиган омборлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди, уларни тарқатадиган юзлаб янги шохобчалар очилди.

Хўш, мазкур йўналишда Тошкент вилоятида қандай ишлар амалга оширилаяпти? Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда ширкат ва фермер хўжаликларига соф ҳолда 36,04 минг тонна азотли, 9,01 минг тонна фосфорли ва 1,54 минг тонна калийли ўғитлар етказиб бериши режалаштирилган эди. Ҳозир улар жойларга эҳтиёжга қараб, ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Айни пайтда туманларда минерал ўғитлар тарқатадиган 69 та шохобча фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 44 таси Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари талабларига биноан, ғоят қисқа фурсатда ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларига қулайлик яратди: эндиликда улар ўғитларни атиги 5-10 километр оралиғида жойлашган шохобчалардан олмоқдалар.

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги икки йил ичида минерал ўғитлар таъминотида кескин ижобий ўзгариш юз берди, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Аббос ота" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Хонтўраев. — Илгари ўғит излаб 2-3 кун овора бўлардик. Бугун-чи, ўғит пулининг бир қисми тўланса, таъминотчиларнинг ўзи уни келтириб беришади. Пировардида, биз фақат дала ишлари билан шуғулланяпмиз. Қайтмас қишлоғида шохобча очилгани эса айни муддао бўлди. Самара-ми? Пахта ва ғалла етиштириш юзасидан белгиланган шартнома режаларини ҳар йили ортиғи билан уддалаяпмиз. Муҳими, ўтган йили 2,5 миллион сўмга яқин соф фойда олишга муваффақ бўлдик.

"Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг "Кучлик" туманлараро базаси вилоятда минерал ўғитларни сақлайдиган энг йирик база ҳисобланади: у тўққизта туманга хизмат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда корхона омборлари тубдан қайта таъмирланди. Натижада маҳсулотларни нест-нобуд қилмасдан сақлаш имкони яратилди. Ҳозир уларда бир неча ўн минг тонна ўғитларни сақлаш имконияти мавжуд. Шунингдек, базадаги айрим жиҳозлар янгиланди, баъзилари таъмирланди.

Биз бу ерда бўлган куни ўғитлар ортилган бир неча машинанинг дарвозадан чиқиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Таъминотчилар мижозларга тегишли ҳужжатларни тезда расмийлаштириб бериб, уларнинг мушкулларини осон қилмоқдалар.

— Мақсадимиз ўсимликнинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришдан иборат, — дейди вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти раиси Улуғбек Ибрагимов. — Шу ниятда барча турдаги ўғитларни жамғариб қўйганмиз. Бу дегани, таъминотда узилиш бўлмайди. Зарур бўлса, буюртмага қараб, ўғитларни далага ҳам ташиб берамиз. Бундан ташқари, жамоамиз компостлар тайёрлаш, ўғитларни далага сепиш ва бошқа хизматларни ҳам амалга ошираётир.

Фермерлар бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида тобора асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. Шундай экан, уларга хизмат кўрсатиш тизимини яхшилашни шу кунларнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада эса пойтахт вилоятида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАО:

«ШҲТни тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик байроғини кўтариб борувчи ташкилотга айлантирайлик»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида мафкуравий, маданий анъаналар ва иқтисодий ривожланишларида муайян фарқлар бўлса-да, ташкилот тузилганига атиги беш йил ўтганига қарамай, у шитоб билан куч олиб, сезиларли муваффақиятларни қўлга киритди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ташкилотга аъзо давлатлар «Шанхай руҳи»га ихчиллик билан таянишмоқда, унинг асосини эса ўзаро ишонч ва манфаат, тенг ҳуқуқли маслаҳатлашувлар, кўп қиррали маданиятга ҳурмат билан қараш, биргаликда ривожланишга бўлган интилиш ташкил этади. Уйғун ҳамнафаслик ва умумий ривожланишнинг мустаҳкам гарови ана шундадир.

Шанхай саммити бирдамлик ва амалий ҳамкорлик белгиси остида ўтади. ШҲТнинг беш йил мобайнидаги фаолияти якунлари синчковлик билан кўриб чиқилади, айни пайтдаги халқаро ва минтақавий вазият атрофлича таҳлил қилинади, ташкилотнинг бундан кейинги тараққиёти йўналишлари ўрганилади, ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу минтақани тинч, уйғун ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш учун яхши хизмат қилади.

Умумий саъй-ҳаракатлар билан минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — ШҲТ фаолияти ҳозирги босқичининг марказий вазифаларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади, дея таъкидлади ХХР раҳбари. Айнан ШҲТ ташкил топган куни ушбу ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Терроризм, айирмачилик ва экстремизм билан кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини имзолашгани, ундан кейин эса Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тизимининг таъсис этилгани тасодифий ҳол эмас. Халқаро ташкилотлардан биринчи бўлиб, ШҲТ терроризм билан курашиш юзасидан ўз овозини баланд қилди ва аксилтеррор саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнади. Сўнгги йилларда ШҲТ доирасида учта қўшма аксилтеррор ҳарбий машқлар ўтказилди, ахборот алмашиш ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш юзасидан самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Келгуси йили Россияда ШҲТ доирасида қўшма аксилтеррор маневрлар ўтказилади. Буларнинг барчаси ва бошқа тадбирлар нафақат ташкилотнинг биргаликдаги аксилтеррор имкониятларини кўпайтиришга, балки минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди ва кўрсатмоқда.

ШҲТ очиқлик ва қўшилмаслик тамойилига содиқ қолади: ташқи алоқаларда у янги хавфсизлик концепцияси, ички муносабатларда эса – «Шанхай руҳига» таянади. У аввалбошиданоқ ёпиқ бўлмаган ва учинчи давлатларга қарши қаратилмаган. Ўтган беш йил мобайнида ШҲТ Мўғулистон, Хиндистон, Покистон ва Эронни кузатувчи сифатида қабул қилди, БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан расмий алоқалар ўрнатди. Яна кўпгина мамлакатлар у билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиш истагини билдирмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ШҲТ ўзида минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро муносабатларни демократлаштиришни илгари суриш ва уйғун дунёни шакллантиришга кўмаклашувчи муҳим кучни намоён этмоқда. Ташкилот бундан кейин ҳам конструктив мавқени намоён этади, унинг барча аъзолари умумий фикрларини мужассамлаштиради, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш вазифаларини ҳал этиш юзасидан бошқа мамлакатлар билан биргаликда иш олиб боради, бу ерда жойлашган барча давлатларнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини рағбатлантиради.

Ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда мамлакатларимиз ШҲТни янада жипслашган, амалий ва самарадор ташкилотга айлантириши мумкин. Ўз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда биз ШҲТни тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик байроғини кўтариб бораётган ташкилотга айлантиришимиз мумкин. Хитой томони бу ишга ўз ҳиссасини қўшишга бундан кейин ҳам тайёр, деди ХХР раиси.

Ху Цзиньтао ташкилот аъзолари ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор қаратаётганини таъкидлади. ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастури ҳамда уни рўёбга чиқариш юзасидан иш режаси имзоланди, 127 та қўшма лойиҳалар белгилаб олинди, андозалар ва мувофиқликни баҳолаш тартиботлари, божхона, электрон савдо, сармояларни рағбатлантириш, транзит салоҳиятини ривожлантириш, энергетика, телекоммуникациялар йўналиши бўйича еттита махсус ишчи гуруҳлари тузилди, улар ўз навбатида тегишли соҳалардаги ҳамкорликни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришга масъулдирлар. Хозирнинг ўзидаёқ ижобий натижаларга эришилди.

ШҲТнинг 2004 йилдаги Тошкент саммитида Хитой ҳукумати номидан ташкилот аъзоларига 900 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли экспорт кредити ажратилиши эълон қилинган эди. Кейинчалик, 2005 йилдаги Остона саммитида Хитой ҳукумати номидан Хитой томони кредитни ҳаётга татбиқ этишнинг янада имтиёзли шарт-шароитларини жорий этишга тайёр экани баён қилинган эди. Ҳозирги пайтга келиб ушбу кредит асосан ҳаётга татбиқ этилди, деб айтиш мумкин.

Умуман олганда шуни қайд этиш мумкинки, ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиёти ўзининг катта ўзаро тўлдирувчанлиги билан ажралиб туради, ҳамкорликнинг салмоқли асоси мавжуд, шу муносабат билан ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик улкан салоҳиятга ва кенг истиқболларга эгадир. Биз муштарак саъй-ҳаракатлар билан барча аъзо давлатлар халқларининг фаровонлиги йўлида аниқ натижаларни қўлга киритишимиз муқаррар, деди Хитой раҳбари.

Ўтган йили Хитой ва Ўзбекистон ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ушбу ҳужжат бизнинг ўзаро муносабатларимизнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТга аъзо давлатларнинг самимий икки томонлама муносабатлари минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, биргаликдаги тараққиётга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади. Адолат юзасидан шуни қайд этиш жоизки, икки томонлама алоқаларни кучайтиришга ташкилотнинг истисносиз барча аъзо давлатлари жиддий қизиқиш билдиришмоқда. Мана шунинг учун ҳам мен Шанхай саммити мобайнида ўз ҳамкасбларим билан учрашишни, ҳам икки томонлама муносабатлар, ҳам халқаро ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро қизиқтирадиган ўта муҳим масалалари юзасидан батафсил фикр алмашишни илиқ ҳис билан кутмоқдаман. Биз барча томонлар билан биргаликда икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариш, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини ҳам янги марраларга олиб чиқиш учун саъй-ҳаракатларимизни ишга солишга тайёрмиз, деб таъкидлади ХХР раиси Ху Цзиньтао.

«Жаҳон» АА.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сербия – федерациянинг вориси

Сербия раҳбарияти Черногория билан иттифоқчилиги ўз ниҳоясига етганини расман эълон қилди. Яқинда Черногорияда ўтказилган референдумда аҳолининг катта қисми мустақил давлат тузиш учун овоз берган эди. Куни кеча Сербия парламенти махсус йиғилишида давлат мустақиллигини эълон қилди. Парламент аъзолари баёнотида айтилишича, Сербия аввал мавжуд бўлган Сербия ва Черногория федерациясининг юридик вориси ҳисобланади.

Би-Би-Си хабарига кўра, расмий Белград БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлардаги аъзоликни сақлаб қолади, Черногория давлати эса бу ташкилотларга кириш учун қайтадан ариза бериши лозим.

Парижда тартибсизликлар

Париж атрофида ёшлар билан ҳуқуқ посбонлари ўртасида юз берган тўқнашувлар чоғида 5 нафар полиция ходими оғир жароҳатланди, деб хабар беради «Франц-Пресс» ахборот агентлиги. Ўсмирлар ҳуқуқ-тартибот ходимларига тошлар ва ёнувчи моддалар билан тўлдирилган идишлар улоқтиришган. Полициячилар уларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатишга мажбур бўлдилар. Тўқнашувларда юзга яқин ёшлар қатнашди, дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта Франциянинг Клиши-су-Буа ва Менфермель шаҳарлари атрофида ҳам полиция ва муҳожир ўсмирлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган эди.

Эронга янги таклиф

Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Хавьер Солана Техронга ташриф буюрди, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. У Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажотга ядро дастури масаласи бўйича АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия ва Хитой вакиллари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар тўпламини олиб келди. «Ғарб Эрон билан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган мутлақо янгича муносабатлар бошламоқчи», деди Солана аэропортда берган интервьюсида. Таклифлар тўпламининг батафсил мазмуни ҳозирча сир тутилмоқда.

Тасдиқланмаган дастлабки маълумотларга кўра, «олтилик» Эронга уранни бойитиш дастуридан воз кечиш эвазига катта миқдорда иқтисодий кўмак таклиф қилмоқчи.

Алан Гарсиа яна президент

«Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, Перунинг собиқ президенти Алан Гарсиа президентлик сайловининг иккинчи турида 54 фоиз овоз олиб, ушбу лавозимга қайта сайланди. У 1985-1990 йилларда мамлакатни бошқарган эди. Кузатувчиларнинг қайд этишича, Гарсиа бошқарув даври мамлакатдаги иқтисодий тушкунлик ва оммавий тартибсизликлар билан ёдда қолган.

Таълим ва ислоҳот

** Битирувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади!*
** Коллежда "Амударё - 258" номли ғўза нави синаб кўрилди.*
** Бир миллиард сўмлик ўқув жиҳозлари - амалиёт учун!*



Коллеждан – катта ҳаётга

Қорақалпоғистон Республикасида айни пайтда олтмишдан ортиқ касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ана шулардан бири Манғит қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бўлиб, бу ерда иш замон талаблари даражасида йўлга қўйилган.

Даставвал, кадрлар тайёрлаш борасидаги жараённи тубдан ислоҳ қилиш зарурати англанган ҳолда асосий мўлжал тўғри олинди. Педагогик жамоада, шунингдек, Амударё туманининг ўзига хос географик ва демографик хусусиятлари, мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар инобатга олинган. Чунончи, тўлиқ фермерлик шаклига ўтилгач, 2004-2005 ўқув йилида касб-ҳунар коллежини битириб чиққанларнинг аксарияти фермерлик ихтисосини эгалладилар. Айниқса, коллежда чорвачилик йўналиши бўйича фермер ва ветеринарларнинг тайёрланаётганлиги алоҳида аҳамиятга молик.

Бу ерлик зиёлилар, коллежни кичик "Маъмун" академияси дейишади. Гап шундаки, бу ерда турли илмий тадқиқотлар олиб борилади. Масалан, иқтидорли олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Худоёр Матёқубов коллежнинг тажриба хўжалигида "Амударё-258" номли ғўза навини синаб кўрмоқда. Ўтган йили бу нав Элликқалъа нав синаш участкасида 109 кунда пишди, юқори ҳосил берди.

Ўз ўрнида ўқувчилар ҳам устозларига эргашиб, қишлоқ хўжалигига оид илмий изланишлар олиб боришаяпти. Чунки ёшларга назарий ва амалий сабоқнинг узвий ҳолатда ўргатилиши яхши натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Коллежда амалий машғулотларда ишлатиш учун "РГ-I,5" русумли замонавий ўрим комбайни борлиги ҳам бунинг бир мисолидир. Бир пайтлар бундай техникалар ёрдамида амалиёт ўташ орзу эди. Энди эса ёшлар ўзлари уруғ экади, қатор ораларига ишлов беради, ўзлари замонавий комбайнда ғалла ўришади. Бинобарин, коллеж битирувчиларига "Қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатувчи кичик мутахассис" деган ихтисослик билан бирга "В, С" ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам берилади-да!

Шунингдек, ветеринария ихтисослигини ўргатиш жараёнида қўлланиладиган замонавий ўқув-амалий шарт-шароитлар ҳам мавжудки, бу дастгоҳларда амалиёт ўташ ўқувчиларнинг илм олишга иштиёқини янада ошириши аниқ. Кези келганда айтиш жоизки, Япония лойиҳаси асосида келтирилган ветеринария жарроҳлиги ускуналари, зоотехника механизмлари мамлакатимизнинг бармоқ билан санарли касб-ҳунар коллежларидагина бор.

Албатта, коллежда амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида узоқ тўхталиш мумкин. Аммо улардан энг муҳими, бу ерда янги ўқув технологияларининг жорий этилаётганидир. 2004 йили коллеж Япония гранти асосида 1 миллиард сўмлик ўқув ва техника воситалари билан қайта жиҳозланди. Уларнинг умумий сони 10313 тани ташкил этади. Ушбу даргоҳга бюджет ҳисобидан 115,2 миллион сўмлик кўргазмали ўқув қуроллари, техника воситалари харид қилиниши ҳам жамоа меҳнатига нисбатан ўзига хос эътирофдир.

Яна бир гап. Биз ўқув даргоҳида бўлганимизда, билдикки, 2005 йили Амударё тумани маҳаллий бюджетининг даромадига келиб тушган маблағнинг катта қисми мазкур коллежнинг моддий базасини бойитишга сарфланибди. Бу эса таълим жабҳасида ҳам бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлайди, десак янглишмаган бўламиз.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" муҳбирлари.
СУРАТДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК НИМА?

Шахсий дахлсизлик инсоннинг нафақат жисман, балки руҳан эркинлиги ҳамдир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида инсон ҳаётига тажовуз қилиш, ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўядиган ҳаракатлар билан бир қаторда, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетилишига олиб келадиган, жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланиши белгилаб қўйилди.

Жумладан, Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбуриятининг устуворлиги билан амалга оширилади. Зеро, амалдаги қонунларга мувофиқ, суриштирув, дастлабки тергов ва одил судлов идораларининг вакиллари жиноят процессини юритишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг барча қонуний чораларини кўришга, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Шу ўринда янги таҳрирда 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Унда инсон ҳаётига, соғлиғига ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарлик масалалари муфассал баён қилинган. Эндиликда, Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартишлар киритилиб, қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Зотан, Конституциямизнинг 26-моддасида "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас", деб белгиланган. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йилда ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 5-моддасига, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 7-моддасига мувофиқ келади.

Шахс дахлсизлигига қарата содир этиладиган жиноятларнинг оддий фуқаролар томонидан содир этилиши ҳуқуқий онгнинг етишмаслиги, деб баҳоланса, мансабдор шахслар томонидан содир этилиши ҳуқуқий маданият даражаси билан бевосита боғликдир. Негаки, ҳуқуқий маданият замирида инсон тафаккурининг олий маҳсули — ҳуқуқий билимлар ва уларга амалда риоя этиш одоби ётади. Шу боис ҳам, Президентимиз 1997 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳуқуқий маданият заруриятига алоҳида эътибор қаратиб, «Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш давлат

Ҳуқуқий чорраҳа

аҳамиятига молик сиёсатдир», деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият савияси — фуқароларнинг ҳуқуқ борасидаги тушунчаси билан эмас, балки давлат бошқаруви, одил судлов, маъмурий бошқарув идоралари вакиллари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларга амал қилиш ҳамда ҳурмат қилиш одоби билан ўлчанади. Ҳуқуқий тарбияни янада равнақ топтириш, уни юксак ҳуқуқий маданият даражасига кўтариш эса бугуннинг, барпо бўлаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Қолаверса, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида мамлакатимиз Президентининг 1997 йил 27 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони жамият, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берди.

Президентимизнинг ана шундай саъй-ҳаракатлари билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида кадрлар тайёрлаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича миллий дастурлар тасдиқланди. Жумладан, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"да аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини, давлат органларининг ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари яратилиши билан бир вақтда уни кузатиш механизми ҳам жорий қилинди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ҳамда шу соҳадаги қатор халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳар бир инсоннинг озод, эркин яшаши ва шахсий дахлсизлигини ҳимоя қилишни тартибга солиш механизми сифатида намоён бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан эса мазкур вазирликка инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш вазифаси юклатилди.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг тузукларида "зулмкорларга, оддий кишиларга асоссиз жабру ситам ўтказадиганлар билан муросасиз бўлдим", деб ёзиб қолдирганлар. Бундан келиб чиқиб айтиш жоизки, ҳар бир жабру ситам ортида инсон ва унинг дахлсиз эркинликлари, қолаверса, қонунларга ҳурмат одобининг бузилиши ётади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда кафолатланган экан, бу кафолат меъёри барчамизнинг Конституция ва қонунларга қанчалик амал қилишимиз билан, қолаверса, давлат хизматчисининг малакаси ва ҳуқуқий маданият даражаси билан ўлчанишини ҳис қилишимиз зарурдир.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи.

Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!
«MOLSEM GROUP»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F 1 Молдавия селекция гибридларининг
маккажўхори уруғларини
етказиб беришни таклиф этади.
Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври — 75-77 кун.
Дон ҳосилдорлиги гектаридан 60-90 центнер, силос массаси — гектаридан 400-500 центнер. Дон таркиби — 10,6% оқсил, 3,9% ёғ ва 71,4% крахмалдан иборат.
Маккажўхори уруғлари сараланган, инкрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунгициди билан дориланган ҳамда 25 кг ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.
Мурожаат учун маълумот:
700000, Тошкент ш., Пушкин к., 59-уй.
Тел. (+998 71)137-11-67, факс: (+998 71)137-11-49.



УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН
ТАБИИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.
☑ Қандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» қўшимчаси
турли хилдаги печенье, вафли, кекс ва рулетларни ишлаб чиқариш учун.
☑ Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси
бисквит, рулет, торт, пирожний, крем ишлаб чиқариш учун.
Бу қўшимчалардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:
- тайёр маҳсулот нархининг пасайтирилишига;
- ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ва енгиллаштиришга;
- маҳсулот таъми, кўриниши ва ҳажмини оширишга;
- ишлатиш муддатини ошириб, қотиб қолишга ва пўканаклашга йўл қўймасликка.
Ҳар хил шароитда ва турли ускуналарда қўлланиши мумкин.
Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: ООО «S.H.F. FOOD TECHNOLOGIES», Тошкент шаҳри, «Қатортол» кўчаси, 60. Тел.: 173-53-56, факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРДАН БИРИ —

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»нинг

янги, қулай ва манфаатли муддатли омонатларидан самарали фойдаланинг!

“ШОДЛИК” омонат тури — 3 (уч) ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатга маблағлар шу йилнинг 10 августигача фақат нақд пулда қабул қилинади.

Бошланғич бадал миқдори — 100 000 (юз минг) сўм.

«ҲОСИЛ — 2006» муддатли омонати
Омонатнинг сақлаш муддати 6 (олти) ой бўлиб, йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 20 000 (йигирма минг) сўм.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган!

“Пахтабанк”нинг янги, қулай жамғарма ва муддатли омонатлари сизнинг келгуси даромадингиз кафолатидир!

«ПАХТАБАНК» - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!



ЭНГ ҚУЛАЙ ВА АРЗОН ЧОП ЭТИШ

ML-1615
ML-2015

Принтерни қандай танлаш керак? Тўғриси, осон савол эмас. Айниқса, пойтахтимизнинг оргтехника бозори босма чиқарувчи жиҳозлар билан тўлиб кетган бир пайтда. Лекин уларнинг ичидан уй ёки кичик идора учун энг сифатли, ишончли, тежамкор, яна ихчам ва арзонини қандай танлаш мумкин? Менинг, афтидан, жуда юқори талабимга биронта намуна ҳам тўғри келмади. Бироқ мўъжиза рўй берди! Дўконлардан бирида менга Samsung компаниясининг ғоят ажойиб ML-1615 ва ML-2015 моделларини кўрсатишди.

> Бу мўъжиза-принтернинг ишлаб чиқарувчилари мендек талабчан истеъмолчиларнинг фикру истакларини худди уқиб олгандай бўлдилар.
Бу – жуда оддий: уйда принтер бўлишини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Кўпчилик уйда ҳужжатлар билан ишлайди, кимдир севган машғулотини қилиб, эсдаликлар ёзади, мактаб ўқувчилари ва талабалар эса рефератлар чоп этишади. Бундан ташқари, умуман, web-саҳифаларни босиб чиқариш, трафикнинг сарфланишидан қўрқмасдан, зарур ахборотни шошмасдан варақлаш нақадар ёқимли. Ёки яна бир ҳаётий вазият: эрталаб иш юзасидан учрашув белгиланган, ҳужжатлар эса идорада қолиб кетди. Файлларни уйдаги компьютерда босиб чиқарсак, муаммо йўқ.

> Қисқаси, уйда принтер бўлиши замонавий инсон ҳаётини анча осонлаштиради.
Аммо.... Ҳар қандай истеъмолчи ҳам бундай асбобни уй шароитларида ишлата олмайди. Биринчидан, катталиги имкон бермаслиги мумкин. Иккинчидан, катта принтерлар доимо қиммат туради, кўп тонер ва электр қувватини сарфлайди. Худди рекламадагидек: «Ўлчами аҳамиятга эга». Барча истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, Samsung компанияси стол усти лазер принтерларининг янги – ML-1615 ва ML-2015 моделларини ишлаб чиқарди, улар босманинг юқори сифати ва саҳифанинг паст таннархи билан ажралиб туради.

> Янги асбоблар стол четига осон жойланади, иш хонаси ёки оддий хонанинг қиёфасига аъло даражада мос тушади. ML-1615 бир дақиқада 16тагача босма бет чиқаради, ML-2015т эса — 20 та бет. Бунда принтер картриджи сотиб олишда олдиндан 1000 саҳифа босиб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилган. Лекин сиз исталган пайтда тонер сарфини тежаш тугмасини босиб, тонер сарфини 40%гача камайтиришгиз мумкин.

> Хавотир олманг, асл сифати бундан зарар кўрмайди (ML-1615 да 1 дюймга 600x600 нуқта ва ML-2015 да 1 дюймга 1200x600 нуқта).

Мини-принтерларда А4 форматдаги қоғоз учун тортма яшикча бор. Унга 150 варақ сиғади. Айтгандек, принтерлар турли зичликдаги материалларда босма қилади: тиниқ тасма, варақа қоғози, хатжилдлар. Қоғозни тежаш тартиби ҳам бор: сиз масштабни 16 бараваргача камайтириб, ҳужжатнинг бир неча саҳифасини бир варақда чоп этишингиз мумкин.

> Принтер ишини бошқариш исталган ҳаваскор фойдаланувчи учун жуда осон ва қулайдир. Картриж ва қоғозни алмаштиришнинг соддалиги сизни ҳайрон қолдиради. Сиз «Отмена» (Бекор килиш) тугмаси ёрдамида исталган пайтда босиб чиқариш жараёнини назорат қилиб, тузатишингиз мумкин. ML-1615 ва ML-2015 лазер принтерларида, шунингдек, IEEE 1284. USB 1.1 параллел порти бор (у USB 2.0 га мос тушади). Принтернинг компьютер билан бирга ишлашидаги эҳтимолий муаммоларни қўшимча порт орқали созлаш мумкин.

> Принтерлар, Windows ва Linux каби операцион тизимлар орқали ишлайди.

> Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, барча афзалликларга қўшимча равишда, бу моделлар жуда ҳам чиройлидир. Уларнинг ихчамлигига қарамай, (215 мм - 275 мм - 358 мм), ML-1615 ва ML-2015 моделлари — сизнинг столингиздан ўрин олган ҳақиқий иш усталаридир.

Бу ажойиб принтерларни «Fort Pro» МЧЖ (Навоий кўчаси, 22-А уй, тел. 144-63-22, 144-27-24) ва «Sharifa T» МЧЖ (Ғафур Абдурашидов кўчаси, 1-А уй, тел. 137-68-03, 137-68-04, 134-00-61) расмий дилерларидан харид қилган пайтда, Сиз олий сифатли, сертификатланган, 3 йиллик кафолатга эга маҳсулотни оласиз.

Шу вақт давомида сизга Samsung компанияси сервис-марказларининг юқори малакали мутахассислари чин кўнгилдан хизмат кўрсатади: «MASTER-SERVICE» ХФ (Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй, тел.:144-72-91, 127-78-74) ва «Delight»ШК (Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, тел.: 137-68-03, 137-68-04).

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

UZHB 2006/01-сонли таклиф

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимини компьютер техникаси ва дастурий таъминотлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш идораларо комиссияси Халқ банкининг ахборот ҳисоблаш тизимини яратиш бўйича халқаро тендер очилиши ҳақида эълон қилади.

1. Тендер ҳужжатлари тўпламини ҳар қандай ваколатли қатнашувчи қуйида кўрсатилган манзил бўйича ёзма шаклда ариза берган тақдирда, 400 (тўрт юз) АҚШ доллари миқдорида қайтариб берилмайдиган бадал тўлаганидан сўнг харид қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан қатнашувчи резидентлар миллий валютада (сўмда) Марказий банкнинг тўлов кунидаги курси бўйича юқоридаги маблағнинг эквивалент суммасини тўлашлари мумкин. Тўлов услуби — «№ UZHB 2006/01 тендер ҳужжатлари учун воситачилик йиғимлари» эслатмаси бўлгани ҳолда, банк жўнатмаси:
- *резидентлар учун Халқ банки бошқаруви марказий амалиётлар филиалининг 45294000700000883002 ҳисобрақамига, банк коди 00883;*
- *норезидентлар учун JP MORGAN CHASE BANK, NEW YORK cityдаги 400940566 банк ҳисобрақамига, SWIFT code CHSSUS 33.*

Бадал Халқ банкининг ҳисобрақамига тушгандан кейин тендер қатнашувчиси вакили қуйида кўрсатилган манзилдан тендер ҳужжатларини олиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки,
Хавфсизлик ва банк ахборотини ҳимоялаш бошқармаси,
Тошкент ш., 700096, «Қатортол» кўчаси, 46-уй.
Телефон: (998-71) 173-89-44.
Факс: (998-71) 173-86-88.

2. Тендер қатнашувчиси учта гуруҳи бўйича, иккита гуруҳи бўйича ёки битта гуруҳи бўйича таклиф бериши мумкин.

А гуруҳи. «Ахборот ҳисоблаш тизимини яратиш».
Б гуруҳи. «Принтер жиҳозлари».
В гуруҳи. «Филиалларни телекоммуникация тармоғи билан жиҳозлаш».

Бажарилиш кафолат миқдори:

А гуруҳи учун — эллик минг АҚШ доллари ($50.000);
Б гуруҳи учун — ўн беш минг АҚШ доллари ($15.000);
В гуруҳи учун — ўн минг АҚШ доллари ($10.000).

3. Барча таклифлар Халқ банкининг юқорида кўрсатилган манзилига 2006 йил 12 июль соат 13.00 гача ёки Марказий банкнинг «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 6-уй манзилига 2006 йил 12 июль соат 15.00 да бўладиган тендер комиссияси йиғилишига тақдим қилиниши лозим. Таклифлар қатнашиш истагини билдирган қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

4. Шартноманинг асосий шартлари:
- *тизим учун тўлов АҚШ долларида амалга оширилади;*
- *монтаж ва инсталляция ишлари миллий валюта — сўмда амалга оширилади;*
- *барча етказиб бериладиган ускуналар ва дастурий таъминотлар халқаро стандартларга жавоб берадиган, ишлаб чиқарган давлатга хос сертификатларга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти сертификатига эга бўлиши керак.*

Илк бор Ўзбекистонда TÜV NORD Group (RWTÜV)

«Корхонада мотивацион муҳитни яратиш» курсини ўтказади

TUV NORD
Better. Closer. More.

Корхоналар раҳбарларининг яхши натижаларга эришишларида улар қўл остида меҳнат қилаётган ишчилар муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, мотивацион механизмнинг мавжуд эмаслиги ходимларнинг совуққонлик билан меҳнат қилишларига, ўз вазифаларига беғарволик билан ёндошишларига, ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришишида масъулиятсизлик қилишларига олиб келади.

Ходимларга мос келадиган тизим, бу нафақат рағбатлантиришнинг тўғри механизми, у шунингдек, номоддий чоралар тизими, ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги ошишига, корпоратив маданиятни ташкил этишга, корхонада ижтимоий-психологик муҳитни яхшилашга, натижада ходимларнинг компания равнақи учун хушкайфият ва хоҳиш билан ишлашларига таъсир кўрсатади.

Биз мазкур курсни ўтказиш учун Россиянинг йирик саноат корхоналарида, шу жумладан, «Ижорский завод» саноат корхонасида кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш тизими асосчиси, кемасозлик саноатига кадрларни тайёрлаш бўйича маслаҳатчи, Санкт-Петербург меҳнат бозорини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи аъзоси, «Адмиралтейские верфи» институтининг илмий кенгаши аъзоси, «Цестра» стратегик ривожланиш маркази бош директори Инна Семёновна Красовицкаяни таклиф этганмиз.

«Sert Management» МЧЖ — TÜV NORD Group (RWTÜV)нинг Ўзбекистондаги расмий ҳамкори ва вакили.
Тел./факс: (99871) 152-76-71, 152-18-93
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz
www.sert-management.uz

Курс Тошкент шаҳар халқаро бизнес марказида бўлиб ўтади.

2006 йил 26 июндан 30 июнгача.
www.sert-management.uz

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ «ИССИҚЛИК МАНБАИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб, «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

№	Иншоот номи ва манзили	Қурилиш муддати
	Лот — 1-3:	
Лот-1	Самарқанд шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида иссиқлик тизими қувурини капитал таъмирлаш (22-АТСдан 44-кўп қаватли уйгача)	3 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳри, А. Икромов кўчасида 4-қудуқдан 47,51,53,55-кўп қаватли уйларгача иссиқлик тизими қувурларини капитал таъмирлаш	1,5 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги РК-1 қозонхонасидаги ДКВР-10-13 №1 иситиш қозонини капитал таъмирлаш	2 ой

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, А.Икромов кўчаси, 88-«А» уй. Телефон: (8-3662) 22-54-14.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларига, иситиш қозонхоналарини капитал таъмирлаш бўйича махсус рухсатномага эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00, факс: 31-13-51.**

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд вилояти, Кўксарой майдонида соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

IPOTEKA BANK

ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН

"Коммунал" омонати	йиллик 24 фоиз	12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади (фоизлар оллиндан ҳисобланиб, коммунал тўловлар учун юборилади)
"Истиқбол" омонати *(фоиз капитализацияланади)*	йиллик 22 фоиз	2 ойлик муддатга
"Жозиба" омонати	йиллик 21 фоиз	3 ойлик муддатга
"Адолат" омонати	йиллик 20 фоиз	6 ойлик муддатга (фоизларни ҳар ойда олиш мумкин)
"Антиқа" омонати *(фоизлар капитализацияланади)*	йиллик 22 фоиз йиллик 21 фоиз йиллик 20 фоиз	1 ойдан 3 ойгача муддатга 3 ойдан юқори 6 ойгача муддатга 6 ойдан юқори 12 ойгача муддатга
"Пластик карточка"	йиллик 16 фоиз	муддатсиз (фоиз қолдиқ суммага ҳисобланади)

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18,
(8-371) 133-31-62.
info@ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

МТС

UZDUNROBITA first cellular

SUPER

ТАРИФ РЕЖАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА
$0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА ЧИҚУВЧИ АЛОҚА
$0.02 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА КИРУВЧИ АЛОҚА
БЕПУЛ

СУПЕРМУЛОҚОТ УЧУН СУПЕРТАКЛИФ!

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Португалияда (TMN), Камбоджада (CAMSHIN), Панамада (Cable&Wireless), Болгарияда (BTC Mobile (Vivatel)) ишга туширилди.

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро GPRS-роуминг хизмати Покистонда (Telenor), Бельгияда (Belgacom Mobile (Proximus)) ишга туширилди.

Батафсил маълумот www.uzdunrobita.uz сайтида.
wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензияланган
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 9116-ҲАРБИЙ ҚИСМИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Буюртмачининг нархи (минг сўм)	Қурилиш муддати
1.	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган 9205-ҳарбий қисм ҳудудида 50 ўринга мўлжалланган казарманинг қайта таъмирланиши ва қурилиши	195044,01	5 ой
2.	Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган 9204-ҳарбий қисм ҳудудида алоҳида бригада учун ҳарбий шаҳарча қурилиши	2007065,93	7 ой

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси 9116-ҳарбий қисми. Манзил: Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 223-66-64, 223-02-16. Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассиларнинг мавжудлигига, етарли касбий ҳамда техникавий малака, молиявий имкониятларга ва материаллар заҳирасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўрникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик залида, соат 10.00 да.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2006 йил 22 майдан бошлаб «Таътил» қисқа муддатли депозити бўйича фоиз ставкалари белгиланганини маълум қилади:

«Таътил» *(сақлаш муддати - 3 ой)* — **йилига 21%.**

- **Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.**
- **Омонат муддати 1 йилга қадар автомат тарзда узайтирилади.**

Ўз омонатларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим ёки филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

ELUS

НАУЧНО-ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ,

являющееся специализированным предприятием по производству высоковольтного оборудования, принимает заказы на изготовление:





- **ТРАНСФОРМАТОРОВ силовых масляных (2- и 3-обмоточных) мощностью от 25 кВА до 25000 кВА на напряжение 6-10 кВ, 35 кВ, 110 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ столбовых типа КТП мощностью от 25 кВА до 250 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **ГОРОДСКИХ КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа ГКТП (2 ГКТП) мощностью от 160 кВА до 630 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа КТП (2 КТП) мощностью от 250 кВА до 2500 кВА на напряжение 6-10 кВ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КРУН-10 (КРУВ-10) типа К-59 МЭ;**
- **КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КМ-1Ф (М); К-104 МЭ с вакуумным выключателем;**
- **КАМЕР СБОРНЫХ серии КСО различных модификаций;**
- **РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РВО и РЛНД на 10 кВ (200 А, 400 А, 630 А);**
- **РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РДЗ на 35 кВ, 110 кВ, 220 кВ, (1000 А, 2000 А);**
- **ЗАЗЕМЛИТЕЛЯ ЗОН-110 (М), блоков С-35 на напряжение 35 кВ;**
- **ТРАНСФОРМАТОРОВ однофазных ОМП мощностью от 1,25 до 10 кВА на напряжение 6-10 кВА;**
- **ТРАНСФОРМАТОРОВ тока ТФЗМ-35 кВ, ТФЗМ-110 кВ, ТФЗМ-220 кВ.**

НА ВЫПУСКАЕМУЮ ПРОДУКЦИЮ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ.

Аттестат аккредитации испытательной лаборатории (центра) № UZ.AMT.07.MAI 525 от 2.09.2005 г.

Готовы рассмотреть любые ваши предложения по поставкам низковольтного и высоковольтного оборудования.

На поставляемую продукцию предоставляется гарантия. Предприятие располагает собственным конструкторским бюро и аккредитованным испытательным центром по проведению сертификационных испытаний.

ТОВАР ПОД ЗАКАЗ

Адрес Ташкентского представительства НПП «ЭЛУС»:
г. Ташкент, ул. Муртазаева, 8.
Тел.: 134-17-12, 134-97-16. Факс 134-17-20.

Адрес завода:
г. Чирчик, Юмалак, ул. Рамазан, 109 а.
Тел. (8-271) 3-05-82. Факс (8-271) 3-05-83.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ҳамда 08579-сонли ҳарбий қисм

буюртмачилигида қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. **Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти буюртмачилигида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг 800 ўринли фаоллар залини реконструкция қилиш.** *Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 354.723.900 сўм.*
2. **08579-сонли ҳарбий қисм буюртмачилигида «Жайрон» станциясида жойлашган 08579-сонли ҳарбий қисм темир йўл шохобчасини ва юк тушириш-ортиш майдонини тўлиқ таъмирлаш.** *Қурилиш муддати — 60 кун. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 80.785.390 сўм.*

Буюртмачи манзиллари:
- *Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти — Қарши шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 225-уй. Телефонлар: (8-375) 221-09-23, 224-13-95.*
- *08579-сонли ҳарбий қисм — Нишон тумани, Нуристон қўрғони.*

Қурилиш ишларини молиялаштириш 08579-сонли ҳарбий қисм буюртмачилигида марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти томонидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги талабларга мос келиши шарт: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-375) 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилларда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ташкилотчи — Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй.

ШПАТЛЕВКА

OLIY SIFATLI

Юқори навли
Қалбакиларидан сақланинг

Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!

AzKO

(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 16.
Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.

ST

Tsh 64-0515991-01-2002

10

Қарор ва ижро

«СТАДИОНДА УЧРАШАМИЗ»

Фарғона — мамлакатимиз катта футболи бешигини тебратган масканлардан бири. Бундан тўрт йил аввал илк футбол жамоаси шакилланган Хўқанди Латифда ўзбек футболининг 90 йиллиги нишонланган эди. Шуниси эътиборлики, юбилей ўтиб, тадбирлар сўниб қолмади. Айни кунларда кўҳна шаҳардаги Х. Муҳиддинов номли стадионни замонавий талаблар асосида таъмирлаш, халқаро талаблар даражасидаги спорт иншоотига айлантириш ҳаракати бошлаб юборилди. Бошқача қилиб айтганда, шаҳарда ўзбек футболининг бир асрлик тўйига тайёргарлик қизғин паллага кирди.

Бундан 10 йил аввал Тошлоқ туманида 10 минг ишқибозни бағрига сиғдира оладиган стадион ҳашар йўли билан бунёд этилган эди. Туман ёшлари, мактаб ўқувчиларининг бу севимли маскани йилнинг истаган вақтида бўш турмайди, десак, муболаға бўлмайди. Оммавий спорт ўйинлари билан шуғулланувчилар кўплигидан майдондан фойдаланиш вақти бўлиб қўйилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори хайрли ният билан бошлаган ишимизга қанот бағишлади, — дейди туман ҳокими Холматжон Комилов. — Қисқа вақт ичида, ҳомийлар кўмагида стадионнинг кийиниш, ювиниш хоналари таъмирланди. Рақиб жамоалар учун алоҳида-алоҳида хоналар бунёд этилди. Янгидан таъмирланган иншоотда эса илк бор мини футбол бўйича туман ҳокимининг соврини учун мусобақа ўтказилди.

Илгарилари бундай турнирлар номига, расмиятчилик учун уч-тўрт жамоа иштирокида ўтказилган бўлса, бу сафар бош соврин учун 10 дан зиёд жамоа кураш олиб борди. Икки гуруҳда куч синашган жамоалардан биринчи-иккинчи ўринни эгаллаганлари ярим финалда беллашдилар. Ўйинлар муросасиз кечди. Финалда ғолиб жамоани фақат пенальтидан тепилган тўплар аниқлаб берди. Бир ҳафталик турнир давомида мазмунли ўйин кўрсатган «Пахтабанк» жамоаси бош совринни қўлга киритди. Турнирда ғолиб жамоадан ташқари энг яхши дарвозабон, ҳимоячи, ҳужумчи номинациялари ғолибларига ҳам қимматли совғалар топширилди. Энг муҳими, мусобақа ўйинларини ҳар куни минглаб катта-кичик ишқибозлар олқишлаб, қўллаб-қувватлаб турдилар.

— Биз туман миқёсидаги ғолиблик билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз, — дейди жамоа сардори, туман «Пахтабанки» бошқарувчиси Муродбек Азимов. → Мини футбол клубимиз базасида катталар ўртасида вилоят биринчилигида иштирок этадиган жамоа туздик. Янги жамоа вилоят биринчилигига тайёргарликни қизғин бошлаб юборди. «Тошлоқ «Пахтабанк» деб номланган ҳаваскорлар клуби аъзоларининг асосини мазкур турнирда қатнашган ўйинчилар ҳисобига шакллантирдик. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг қарори мини футбол жамоамизни катта футбол жамоасига айлантиришга туртки бўлди.

Айни пайтда стадион қошида болалар ва ўсмирлар футбол мактабини очиш тадбирлари режалаштирилган.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: турнир ғолиби «Тошлоқ «Пахтабанк» жамоаси.

Яхшилар ёди

«Қалбингизда яшайман»

У ҳам бўлса, хоразмлик марҳум ижодкор Жаббор Жуманиёзовнинг "Қалбингизда яшайман" деб номланган китоби чоп этилди. Эл қалбидан ғўзал шеър ва қўшиқлари, насрий ва публицистик асарлари билан чуқур ўрин олган, умрини халқимиз маънавий дунёсини бойитишга бағишлаган бу инсон, афсуски, бугун орамизда йўқ. Агар Ж. Жуманиёзов ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қарши оларди...

"Янги аср авлоди"да чоп этилган бу китобни ҳаяжону эҳтироссиз ўқиб бўлмайди. Чунки унда Жаббор Жуманиёзовнинг шеърлари, ҳикоялари, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг, журналист ҳамда ҳамкасбларининг дил сўзлари бор. Узоқ йиллар Хоразм телевидениесининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, ўзи ҳам ушбу даргоҳда раҳбарлик қилган Жаббор Жуманиёзовнинг феъл-атвори, юриш-туриши, ён-атрофдагиларга муносабатини билмоқ учун айнан шу китобни ўқиш керак.

Яхшилар ёди кўнгилларда абадий қолади. Илло, яхшилар руҳи доимо кезиб юради, қалам тебратган, қўшиқ ёзган, куй чалган ижодкор борки, умри тоабад асарларида давом этади.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиғли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-б уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

Темур ишончни оқлади

Италиянинг Турин шаҳри қарийб икки ҳафта мобайнида 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасига мезбонлик қилди.

Шахмат оламидаги ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг 149 та мамлакатидан келган эркаклар ва 108 мамлакат аёллар жамоалари ғолиблик учун дона сурдилар.

Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси мусобақаларни муваффақиятли бошлаганди. Ҳамюртларимиз дастлабки турларда кучли учликдан жой олишди. Аммо сўнгги турларда уларда бироз тажриба етишмади. Якунда Чехия Республикаси ва Голландия шахматчилари билан бир хил — 31 очко жамғариб, ўн бир-ўн учинчи ўринларни бўлишиб олишди. Уларда пешқадамлар сафидан жой олиш учун бор-йўғи икки очко етишмади. Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида Арманистон жамоаси 36 очко билан биринчи ўринни қўлга киритди. Хитой 34 очко билан иккинчи, АҚШ шахматчилари 33 очко жамғариб, учинчи ўринни эгаллашди. Энигма ўн етти ёшини нишонлаётган гроссмейстеримиз Темур Гареев анча ишончли ўйин намойиш этди. У ўн битта учрашув ўтказиб, шуларнинг олтитасида ғалаба қозонди. Тўрт ўйинда дуранг натижа қайд этди. Фақат бир ўйинда имкониятни бой берди ва саккиз очко жамғариб, пешқадамлар сафидан жой олди. Тажрибали шахматчимиз Сайдали Йўлдошев Олимпиадани мағлубиятсиз якунлади. У саккизта учрашув ўтказиб, шунинг бештасида ғалаба қозонди, учтасида дуранг ўйнади ва 6,5 очко жамғарди. Рустам Қосимжонов ўнта ўйин ўтказиб, 5,5 очко жамғарди. Иккита ғалаба, еттита дуранг, битта мағлубият. Антон Филиппов, Алексей Барсов ва Сергей Қаюмовлар кутилган натижаларга эришолмадилар.

Аёллар терма жамоамиз 108 та мамлакат вакиллари ичида 32-поғонадан жой олишди. Ушбу мусобақаларнинг шахсий биринчилигида Юлдуз Ҳамроқулова ҳамюртларимиз ичида энг яхши кўрсаткичга эришди. У ўн икки имкониятдан 7,5 очко жамғарди. Ольга Собирова ўн икки имкониятдан 6,5 очко тўплади. Ирода Ҳамроқулова тўққиз имкониятдан 4,5, Шаҳноза Ҳамроқулова эса 6 имкониятдан уч очко жамғарди, холос.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси «Ёғ-мой ва Озиқовқатсаноат» уюшмаси сифатида қайта ташкил этилиши муносабати билан «Озиқовқатсаноат» уюшмасининг барча мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади. Ҳамма даъволар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Саёқ юрсанг...

Халқимизда «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан» деган мақол бор. Афсуски, бу ибратни баъзи ота-оналар унутиб қўймоқда. Балоғат ёшидаги ўғил-қизларнинг ўқимай, ишламай, эртадан-кечгача санғиб юргани шунинг оқибатидир. Бу эса кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга, жиноий хатти-ҳаракатларга етаклаши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шу йил 14 февраль куни Дилноза жияни Моҳира билан Халқлар Дўстлиги саройига концертга тушди. Улар ўзлари суйган хонанданинг қўшиқларидан мароқланиб, хуш кайфият билан саройдан чиқдилар. Кеч бўлган, соат 21.30 лар чамаси эди. Дилноза сарой олдидаги зиналардан тушиб бораркан, уйидан машина чақириш учун бўйнидаги тилла занжирга осилган «Моторола» уяли телефон аппаратидан қўнғироқ

Қилмиш – қидирмиш

қила бошлади.

Бу пайтда уларнинг ортидан келаётган уч-тўрт ўсмирнинг нияти бузилади ва уни тунамоқчи бўладилар.

Шундай қилиб, Мухтор Хўжаев бир ҳамла билан қизнинг бўйнидаги телефон аппаратини юлиб олади-да, қочади. Унинг шериги, кейин аниқланишича, Камолиддин Ҳошимов, «Вой кеннойи, нима бўлди? Мен ҳозир телефониззи опкеб бераман!» дейди-да, унинг ортидан югуриб кетади. Бу пайтда яна бировни нарироқда «иш» қандай бажарилаётганини кузатиб турарди...

Ёш талончилар катта йўлни кесиб ўтиб, кўпқаватли уйлар орасига кириб, ғойиб бўлишди.

Бир маҳалладан бўлган шериклар эртасига ўлжани — телефон аппаратини «2-Тансиқбоев» мавзесида нотаниш йигитга 140 минг сўмга сотадилар ва пулни ўзаро тақсимлаб оладилар.

Ўзларича изни йўқотган шоввозлар иш ими-жимида битганидан хурсанд эдилар. Лекин талончилар адашганди. Жабрланувчининг аризасига биноан Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси тезкор қидирув ходимлари уларнинг изидан тушганди. Ҳеч қанча ўтмай, шериклар қўлга олиндилар.

Таъкидлаш жоизки, бу воқеада энг афсусланарлиси, жиноятчилар — ҳали бола. Камолиддин ва Мухторхўжа 1989 йилда туғилган, вояга етмаган. Дилшод Мирмуҳамедов эса шерикларидан икки ёш каттароқ. Улар ҳаётининг ширин лаҳзаларини элига, юртига, ота-онаси ва ўзига фойдали юмушлардан эмас, талончиликдан бошлаётгани кишини ўйлантиради. Уёғи, келгуси ҳаётлари қандай кечади? Биринчи қоқилиш ва суд берган жазодан тўғри хулоса чиқариб сабоқ олсалар, хўп гап, бўлмасачи?..

Бўлмаса, бу саволга ўрин қолдирмаслик учун, аввало, уларнинг ўзлари, қолаверса, ота-она, қариндошуруғ, маҳалла-кўй, маҳалла оқсоқоллари бу ўсмирларга кўз-қулоқ бўлиб турсалар, бир оғиз ширин сўз, икки оғиз панд-насиҳатларини аямасалар, сал эгилган навниҳолларнинг қаддини тиклаб олишларига маънавий мадад бўлади, деб ўйлаймиз.

Алишер ҒУЛОМОВ,
Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлимининг бўлинма бошлиғи.

TURONIMPEKS SERVIS

Fliegl Fahrzeugbau GmbH (Германия) ширкатининг Ўзбекистондаги РАСМИЙ ВАКИЛИ

сизга Fliegl Trailer русумидаги замонавий тиркагичлар, ярим тиркагичлар ва музлатгичли тиркагичларни Европадан таклиф этади. Буюртмангиз ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланади.

Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Кунаев к., 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Факс: + 998 71 150-66-30.
www.fliegl.com

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти жамоаси ходимлар бўлими катта назоратчиси Шарофат Бачишевага онаси

ҚИЗЛАРХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи

Фахриддин Абдумаликович ЯЛГАШЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Молия ва солиқлар кафедраси катта ўқитувчиси Шуҳрат Жаппоровга онаси

МЕНГЛИХОЛ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Crompton Europe B.V. фирмаси ва «Kroprotekt» М.Ч.Ж. жамоалари, «Kroprotekt» М.Ч.Ж. директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Обиджон Тожибоевич ЭШМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд мақолалар қабул қилинмайди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123 56